Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 18 июнь • сешанба № 24 (864)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

ХАЛҚИМИЗ шу йил 1 сентябрь куни Ўзбекистон давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик тўйини катта тантана, шоду хуррамлик билан кенг нишонлайди.

Биз учун энг улуғ, энг азиз айём бўлмиш Мустақиллик байрамини марказда ва жойларда ҳар томонлама чуқур тайёргарлик билан кутиб олиш мамлакатимизда эзгу анъанага айланиб қолган.

Ҳақиқатан ҳам, умуммиллий байрамимиз бўлган бу қутлуғ сана ҳақида сўз борар экан, ўтган давр мобайнида босиб ўтган йўлимизни, амалга оширган ишларимизни холисона сарҳисоб қилиб, бугунги ютуқ ва марраларга, аввало, қандай оғир ва машаққатли меҳнат эвазига эришганимизни яна ва яна бир бор кўз ўнгимиздан ўтказишимиз табиийдир.

Мустақиллик байрамининг йигирма икки йиллигини юксак савияда, муносиб тарзда нишонлаш мақсадида:

1. Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика ва ҳудудий комиссиялар Мустақиллик байрамини пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда уюшқоқлик билан, кўтаринки руҳда ўтказишга қаратилган, **"Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!"**, деган шиорни асосий ғоя сифатида ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

2. Дастурни тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

мустақиллик — бу, аввало, ҳуқуқ эканини, фақат мустақиллик орқалигина шахс ўз қадр-қиммати, ор-номуси ва ғурурини англаши, истиқлол юртимизда яшаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омили эканини кенг очиб бериш;

халқимиз ўтган даврда турли синов ва қийинчиликларга қарамасдан, ўзининг мустаҳкам иродаси, қатъият ва матонати, истиқлол ғояларига садоқатини намоён этиб, жаҳон майдонида муносиб ҳурмат-эътибор қозонганини чуқур таҳлиллар орқали кўрсатиш;

Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли — ўзбек моделининг мамлакатимиз учун ҳал қилувчи бир пайтда энг тўғри, энг оқилона йўл сифатида танланганини, ўтган йиллар давомида бу йўл юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, ҳар бир оила, бутун жамиятимиз ҳаётида синовдан ўтиб, амалда ҳар томонлама ўзини оқлагани ва бугунги кунда амалий натижасини бераётганини аҳоли ўртасида ўтказиладиган ташвиқот-тарғибот ишлари, жонли суҳбат ва мулоқотларнинг асосий йўналиши, деб қабул қилиш;

мамлакатимизда мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб белгилаб олинган "Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун", деган одамларимиз қалбидаги эзгу орзу-интилишларни яққол ифода этган олижаноб даъват халқимизни ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида сафарбар этгани, юртдошларимизнинг юрагига чуқур кириб боргани истиқлол йилларида эришган барча ютуқларимизнинг ҳаётбахш манбаи бўлиб келаётганига алоҳида эътибор қаратиш;

мустақилликка эришиш арафасида ва истиқлолнинг дастлабки йилларида, мамлакатимиз кескин ижтимоий муаммолар гирдобида қолиб кетган таҳликали бир пайтда мавжуд вазиятни ижобий томонга ўзгартириш мақсадида амалга оширилган ислоҳотлар моҳиятини теран акс эттириш. Жумладан, ғоят оғир айни ўша шароитда аҳолига қўшимча томорқа ерлари ажратиш ҳақидаги Фармон ва қарорлар қабул қилингани, шу асосда Ўзбекистон бўйича 2,5 миллион оилага ҳаммаси бўлиб 700 минг гектар суғориладиган ер томорқа сифатида хусусий мулк қилиб берилгани қишлоқларимизда ижтимоий муаммоларни ечиш, айтиш мумкинки, жар ёқасида турган юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолишда улкан тарихий қадам бўлганини чуқур очиб бериш. Ана шундай ўзгаришлар туфайли одамлар дунёда адолат ва ҳақиқат борлигига, мустақиллик ҳар қайси оила, бутун халқимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайдиган бебаҳо неъмат эканига чин дилдан ишонч ҳосил қилгани ва шу каби бошқа мисолларда мустақиллик, деган буюк тарихий ҳодисанинг қадр-қиммати ва аҳамияти ҳақида фикр юритиш;

мустақиллигимизнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган энг муҳим стратегик дастурлар, жумладан, Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллиги, ёқилғи-энергетика, транспорт-коммуникация соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш, иқтисодиётимизнинг етакчи соҳаларини модернизация қилиш, илғор техника ва технологиялар билан қуроллантириш, энг замонавий корхоналарни барпо этиш, кичик бизнес ва тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини бугунги талаблар асосида ривожлантириш мақсадида амалга оширилган том маънодаги улкан ишларнинг мазмун-моҳиятини кенг таҳлил қилиш;

истиқлол йилларида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, дину диёнатимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тикланги, истиқлол даври Ватанимиз учун чинакам маънавий тикланиш ва юксалиш даври бўлганини ифода этиш;

юртимизда мустақил давлат барпо этиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт даражасига эришиш, Ўзбекистонимизни дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига кўтаришдек улуғ мақсадларни ўз олдимизга қўйиб, бу марраларнинг нақадар буюк ва масъулиятли эканини ўзимизга чуқур тасаввур қилган ҳолда, ана шундай юксак уфқлар сари дадил бораётганимизнинг энг асосий омил ва мезонларини кенг ёритиш. Бунда, аввало, ўз қадр-қимматини чуқур англаган, мустақил ва эркин фикрлайдиган, бетакрор миллий қадриятларимиз, бебаҳо маданий меросимизнинг муносиб ворислари бўлиш билан бирга, дунё илму фани ютуқларини пухта ўзлаштириб, замон билан ҳамоҳанг бўлиб яшашга, манаман, деган давлатлардаги тенгдошлари билан бемалол беллашувга тайёр бўлган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласи истиқлол йилларида Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилганини акс эттириш. Қандай оғир бўлмасин, ана шу буюк мақсадни амалга ошириш учун барча кучқудратимиз ва имкониятларимизни сафарбар этганимиз, шу йўлда аҳамиятини баҳолашнинг ўзи қийин бўлган ишларимизнинг амалий натижаларини кўрсатиш. Бугунги кунда бу ютуқлар ҳаётимизда, мамлакатимиз тараққиётида, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган барқарор ўсиш суръатларида яққол намоён бўлаётгани, камол топаётган фарзандларимиз ҳаётимизнинг асосий, ҳал қилувчи кучи сифатида майдонга чиқаётганини таъсирчан мисолларда ифода этиш.

Юқорида зикр этилган фикрларни бундан ўн олти йил аввал қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг узвий давоми бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ва бошқа муҳим ижтимоий дастурлар таҳлили орқали мамлакатимиз ва дунё жамоатчилигига етказиш;

давлатимиз томонидан мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб аҳоли, биринчи навбатда ёшларимизнинг жисмонан бақувват, маънавий жиҳатдан етук авлод бўлиб улғайишига берилаётган юксак эътиборнинг яққол тасдиғи сифатида мамлакатимизда давлат бюджети харажатлар қисмининг 60 фоизга яқини таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳалари ривожига йўналтирилаётгани дунё тажрибасида камдан-кам учрашини, Ўзбекистон айни шу соҳаларда жаҳонда етакчи ўринларни эгаллаб бораётгани нуфузли халқаро эксперт ва таҳлил марказлари томонидан эътироф этилаётганига алоҳида аҳамият қаратиш;

истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоиздан зиёдини ташкил этадиган хотин-қизларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, аёл зотини эъзозлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш, опасингилларимизнинг оғирини енгил қилишга қаратилган қарор ва дастурларнинг амалий натижаларини кўрсатиб бериш. Шулар қаторида оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, айниқса, қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаб, ҳаётда муносиб ўрин олиши учун амалга оширилган кенг кўламли ишларимизнинг моҳияти ва аҳамияти, бу борадаги сиёсатнинг бугунги кунда изчил давом эттирилаётганини тарғибот-ташвиқот ишларининг бош мавзуси сифатида белгилаш;

мамлакатимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга очилиб, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётгани, жумладан, аҳолимизнинг асосий қисми яшайдиган қишлоқ жойларда муносиб турмуш шароитини яратиш, ижтимоий инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича махсус давлат дастурлари жорий этилаётгани, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида шаҳар шароитидан кам бўлмаган замонавий уй-жой массивлари комплекс барпо этилаётганини халқимиз ҳаётини янада фаровон қилишга қаратилган ишларнинг амалий намоёни сифатида қабул қилиш;

эришган барча ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши, ишга, ҳаётга муносабати бутунлай ўзгариб, дахлдорлик туйғуси, ўз кучи ва имкониятларига бўлган ишончи мустаҳкамланиб бораётгани, мухтасар айтганда, мустақил тараққиёт йўлида қандай юксак марраларга эришган бўлсак, уларнинг барчасининг негизида, аввалambор, одамларимизнинг ўсиб бораётган сиёсий, ҳуқуқий, маданий савияси ва ижтимоий фаоллиги мужассам эканини акс эттириш;

ҳозирги кунда бизнинг қандай шиддатли ва нотинч замонда яшаётганимизни инобатга олган ҳолда, тинч ва осойишта ҳаёт учун курашиш, керак бўлса, фидойилик кўрсатиб, доимо огоҳ, сезгир ва маънавий уйғоқ бўлиб яшаш, энг катта бойлигимиз бўлмиш юртимиздаги миллатлар ва фуқароларо аҳиллик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини кўз қорачиғидек асраш ва мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган ишларнинг маъно-мазмунини очиб бериш;

айни мана шундай ўта мураккаб ва таҳликали бир шароитда дунёнинг турли минтақалари, яқин ва узоқ ҳудудларида, ён-атрофимизда қарама-қаршилик ўчоқлари кучайиб, бир сўз билан айтганда, хавф-хатар тобора ўсиб бораётган бир вазиятда Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган ташқи сиёсатини, унинг мамлакатимизнинг миллий манфаатларига жавоб берадиган стратегик устувор йўналишларини аниқ белгилаб олиш бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири бўлиши табиийдир. Шу мақсадда 2012 йил сентябрь ойида қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"**ги Қонунда белгилаб берилган асосий принциплар, яъни:

Ўзбекистоннинг турли ҳарбий сиёсий блоклардан узоқ бўлиши ҳақида;

ўзининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга бўлиши ва ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймаслиги ҳақида;

очиқ, изчил ва фаол ташқи сиёсат олиб бориши ҳақида аниқ-равшан баён этганини кенг оммага етказиш;

Ўзбекистон Қуролли Кучларининг мамлакатимиз мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, тинч ва осуда ҳаётимизни ҳимоя қилишнинг мустаҳкам таянчи бўлиб келаётганини, ҳарбий хизматнинг ёшларимиз учун ҳақиқий мардлик, чиниқиш ва тобланиш мактабига айлангани, халқ ва армия — бир тану бир жон эканини ҳаётий мисолларда кенг тарғиб этиш.

3. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида жонли мулоқот ва суҳбатлар, учрашувлар, адабий-бадиий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, адиблар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди билан биргаликда:

Мустақиллик байрамининг йигирма икки йиллигини муносиб нишонлаш учун жойларда ҳудудий комиссиялар тузиш, республика дастурида белгилаб берилган асосий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш;

байрам муносабати билан халқимизга хос бўлган урф-одат ва анъаналарга муносиб равишда шаҳар ва қишлоқлар, маҳалла ва гузарлар, кўп қаватли уйлар атрофида ободонлаштириш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилсин.

Мазкур режа ва дастурлардан ўрин олган тадбирларни расмиятчилик ва баландпарвозлик ҳолатларига йўл қўймасдан, кенг жамоатчилик вакилларини жалб этган ҳолда, одамларнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган халқчил ва таъсирчан руҳда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

5. Республика комиссияси ўз йиғилишларида дастурда белгиланган чора-тадбирлар марказда ва жойларда қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарлари ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда юртимиз истиқлолини тараннум этишга қаратилган энг яхши қўшиқлар, мусиқа асарлари учун "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика танловининг якуний босқичини ўтказсин. Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин.

8. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан биргаликда август ойининг охирида мамлакатимиз мустақиллигига бағишланган "Энг улуғ, энг азиз" анъанавий танловининг якуний босқичини ўтказсин.

9. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ва Бастакорлар уюшмаси билан биргаликда ёш ижрочилар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ниҳол" мукофотига номзодларнинг республика саралаш босқичини ҳамда ғолиблар ижросидаги концерт дастурини август ойининг биринчи ярмида юқори даражада ташкил этсин.

10. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

11. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

12. Мазкур Қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2013 йил 12 июнь

"INSON va QONUN"
ҳуқуқий газетасига обуна бўлинг!
Обуна индекси – 137. website: minjust.uz
e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-84-50

"HUQUQ va BURCH"
ижтимоий ҳуқуқий журналига обуна бўлинг!
Обуна индекси – 902. website: huquqburch.uz
e-mail: info@huquqburch.uz Тел/факс: 233-21-93

"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами"
ҳафталик расмий нашрига обуна бўлинг!
Обуна индекси – 949. website: adolatnashr.uz
e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-67-65

"Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами"
расмий нашрига обуна бўлинг!
Обуна индекси – 949. website: adolatnashr.uz
e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-67-65

LexUz — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, фойдаланувчиларга интернет орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятини яратади.
LexUZ on-line
e-mail: cpi-info@minjust.gov.uz website: www.lex.uz Тел: 236-73-96, 236-17-33

Муносабат

Ҳушёрлик ҳамиша ҳамроҳимиз бўлсин

Зеро, у тинчлик, осойишталикнинг асосидир

ЎТГАН ҲАФТА институтимиз профессор-ўқитувчилари ва талабалари "Оқаётган сув қадри" ҳамда "Тинчлик учун курашмоқ керак" фильмлари ҳақидаги қизғин таассуротлари ва фикр-мулоҳазаларини "Инсон ва қонун" газетаси саҳифаларида баён этиб, кенг жамоатчилик билан ўртоқлашиш имкониятига эга бўлди.

АЙТИШ ЖОИЗКИ, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик қадри, бунёдкорлик, озодлик ва ободлик, фаровонлигимиз моҳиятини, шунингдек, ер юзининг турли минтақаларида содир бўлаётган хунрезлик, биродаркушлик ҳамда вайронагарчилик ортида турган бузғунчи кучларнинг ғаразли мақсадларини ёшлар онгу шуурига етказиш бир кунлик эмас, доимий вазифамиздир.

Яқин Шарқ ва Афғонистондаги қонли воқеалар инсониятнинг оғриғи, десак тўғри бўлади. Фильмда адабиётшунос Файзуллахон Набиев айтган ливиялик шайхнинг йиғлаб қилган мурожаатини эсланг-а. "...Эй, биродарлар, Ливия ўт ичида қовурилиб ётибди, халқнинг юраги алам ўтида ёнаяпти. Мен яшаётган маҳаллада икки жума оралиғида 27 нафар бегуноҳ киши отиб ташланди. Кўштирноқ ичидаги тинчлик тарафдорлари қон кечиб юрибди".

Ҳа, фильмда тасвирланган уруш асоратлари, бегуноҳ жабрдийдалар, норасида қизалоқларнинг аянчли қисмати ҳеч бир инсонни бефарқ қолдирмайди.

Бугунги кунда терроризм ва экстремизм у ёки бу давлатдагина эмас, балки бутун инсоният тақдирини таҳликага солмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган маърузасида **"Биз ақидапарастлик, экстремизм, террорчилик тамойилларининг кучайганлигидан ташвишдамиз"**, дея таъкидлаган эди.

Дунёда содир бўлаётган юқоридаги каби фожиали воқеалар Юртбошимизнинг жаҳон минбарларида туриб айтган огоҳлик даъватлари, ташвишлари бежизга эмаслигини яна бир карра тасдиқлаб турибди.

Минглаб оломонни тўплаб, уларнинг қўлига қурол бериб, ҳамюртларини ўлдиришга, бузғунчиликка ундаётган кимсалар турли алдовлар билан фарзандларимиз, ёшларимизнинг онгини заҳарлаб, уларни ўз домларига тортишга уринаётганлиги билан ҳам янада хавфлидир. "Оқаётган сув қадри" фильмида бузғунчи кучлар таъсирига тушиб, Ватан хоинига айланган ёш ўқимишли йигитнинг хатосидан ота-она, мураббий, маҳалла фаоллари, қўйингки, барчамиз ўзимизга тегишли хулоса чиқариб олмоғимиз даркор.

Милоддан олдинги V асрда яшаб ўтган юнон файласуфи Сукрот айтиб ўтганидек, инсон учун энг азиз неъмат — соғлик-саломатлик, тинчлик-осойишталик ва хотиржамликдир.

Айниқса, бугунги даврдаги барча тинчликсевар ва тараққийпарвар кучлар халқимизнинг "Ўз уйингни ўзинг асра", деган ўгитни ўзлари учун ҳаётий шиор қилиб олмоғи керак. Сабаби, инсоният XXI асрга ўзининг шу давргача эришган барча ютуқ ва кашфиётлари билан бирга катта хавф туғдирувчи терроризм ва экстремизм каби иллатларни ҳам олиб ўтди.

Ер юзининг турли нуқталарида амалга оширилаётган террорчилик ва экстремистик ҳаракатларнинг турли-туман кўринишларда, мутлақо кутилмаган ҳолларда намоён бўлаётгани, башариятни барқарор тараққиётдан чалғитаётгани, фарзандларимиз камолоти ва ҳаётига завол бўлаётганлиги ҳар биримиздан янада огоҳликни талаб этади.

Давлатимиз раҳбарининг **"Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда"** номли рисоласида таъкидланганидек, биз мана шу ёруғ кунларда яшаётганимиз учун, юрту элимизнинг тинчлиги учун, фарзандларимиз бағримизда эмин-эркин униб-ўсаётгани учун Оллоҳ таолога доимо шукроналар айтишимиз баробарида мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоялаш, юртдошларимиз, айниқса, ёшларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга теран нигоҳ билан қараш шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Восит ЭРГАШЕВ,
ТДЮИ проректори,
юридик фанлар номзоди

Ўқув-машғулот

Маънавий уйғоқлик

эҳтиёжга айлансин

МАЪЛУМКИ, буюк бобомиз Амир Темур инсонлардаги қатъият, тадбиркорлик, ҳушёрлик, мардлик ва шижоат каби 5 та маънавий фазилатни қадрлаган. Бугунги кун ёшларидан ана шундай фазилатлар соҳиби бўлиш талаб этилмоқда.

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА мунтазам ўтказиб келинаётган ўқув-машғулотининг навбатдагисида маънавиятнинг юксак кучи, ёшлар тарбиясида тутган ўрни, бугунги кунда ёшлар маънавий оламига қилинаётган тажовузлар, идеал авлод қандай бўлиши кераклиги, соҳибқирон бобомиз таъкидлаган 5 фазилат соҳиби бўлишнинг зарурияти хусусида Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари, педагогика фанлари доктори, профессор Муҳаммаджон Куронов сўзлаб берди.

— Бугун дунёда "LOST GENERATION" — "бой берилган авлод" (ингл. "LOST GENERATION" — беқарорлик, депрессия шароитида туғилган, худбин, лоқайд, жамиятга фойдаси тегмайдиган, шафқатсиз, аламзада, ичкиликбозликка берилган, жиноий ишларга қўл урган, қўлидан иш келмайдиган, ахлоқсиз кишилар тоифаси) ибораси пайдо бўлди. "Бой берилган авлод"ни кўрган айрим сиёсий-молиявий гуруҳларнинг иштаҳаси очилиб кетди. Улар ёшлар қалбининг "параболик антенналари"ни ўзларига қаратиб олишди. "Одноклассники", "Фейсбук", "Wi-Fi", "В контакте" ижтимоий тармоқлари ёшларга "идеал улашмоқда". Ва шу йўл билан уларни ўз Ватанига эмас, хориж ҳаётига кўпроқ дахлдор қилиб қўймоқда. Улар ўз халқининг қаҳрамонларига эмас, "оммавий маданият"нинг қаҳрамонларига тақлид қилишади. Шунинг учун "бой берилган авлод"ни "ушлаб туриш", ўз Ватанига, миллатига, ота-онасига "қайтариш" энди жуда кўп маблағ, вақтни талаб қилмоқда, — дея таъкидлади маърузачи.

Шунингдек, XXI аср ёшларга қўяётган талаблар хусусида тўхталиб, ёш авлод вакиллари, энг аввало, юксак салоҳиятли, маънавий уйғоқ, мустақиллигимизни кўз қорачиғидай ҳимоялаш, мафкуравий таҳдидларга қарши тура олиш, ғайратли, иродали, фаол, замонавий, юксак технологияларни ўзлаштирган, соғлом турмуш тарзига риоя қилувчи етук мутахассислар бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлади.

Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси

Риштa

Қадриятлар бешиги

ОИЛА — инсоннинг ҳаёти, фаолияти, бир сўз билан айтганда, бутун умри чамбарчас боғлиқ ҳолда кечадиган мўътабар маскан. Мамлакатимизнинг юздан зиёд қонун ва қонуности ҳужжатларида оила манфаати ва унинг ҳимоясини мустаҳкамловчи қоидалар ўрин олган. Жумладан, 1998 йилда қабул қилинган Оила кодексида никоҳ тузиш ёки никоҳнинг тугатилиши, мулкий муносабатлар, болаларнинг наслнасабини белгилаш, алимент мажбуриятлари, туғилишни, никоҳ тузилганлиги, ўлимни қайд этиш, фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш каби муносабатлар тартибга солинган.

ШУНИНГДЕК, Конституциямизда оиланинг ижтимоий мақоми аниқ белгиланган. Фуқаролик, Уй-жой кодекслари, бошқа қонун ҳужжатларида оилавий муносабатларнинг азалий қадриятлари ўз ифодасини топди.

Шу билан бирга ўтган йиллар давомида Президентимизнинг аҳоли даромадларини ошириш, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш, тадбиркорлик, касаначилик, ҳунармандчилик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга қаратилган Фармон ва қарорлари қабул қилинди, мақсадли давлат дастурлари ҳаётга татбиқ этилди. Ҳар бир фуқаронинг ҳалол йўл билан фойда олиши, оиласининг тўкинлиги, фаровонлигини таъминлаши учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Оила мустаҳкамлигини сақлашда яна бир омил жуда муҳим ҳисобланади. Бу омил инсонларнинг тиббий маданияти билан боғлиқ тушунчадир. Зеро, ўз вақтида ўтказилган тиббий кўрик рўзғор фаровонлиги, хонадон тотувлиги ҳамда оила мустаҳкамлиги гаровидир.

Тўйдан олдинги тиббий кўрик, аввало, ёшларнинг соғлом оила қуриши, ирсият билан боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис, тиббий кўрикка шунчаки расмиятчилик сифатида қараш ярамайди. Мазкур ҳолатнинг олдини олиш мақсадида биз коллеж ўқитувчилари ёшларга ва уларнинг ота-оналарига тиббий кўрикнинг аҳамияти, тўйдан аввал, албатта, қонуний никоҳни расмийлаштириш лозимлиги хусусида тарғиботташвиқот ишларини олиб бормоқдамиз. Бу эса нафақат ёшларимиз, балки уларнинг ота-оналарини ҳам сергак торттириб, тиббий маданиятнинг шаклланишига омил бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мустаҳкам оила — жамият таянчидир. Қайси эзгу одат, анъанага боқманг, унинг ўчоғи оила эканини кўрасиз. Шунинг учун ҳам қадриятлар бешиги бўлган оилани муқаддас билиш, уни турли нохушликлардан кўз қорачиғидек асраш кечиктириб бўлмас вазифамиз эканини бир зум ҳам унутмаслигимиз зарур.

Нодира ДУШАЕВА,
Боровский номли тиббиёт коллежи ўқитувчиси

Талқин

Аудиторлик фаолияти нима?

Унинг зиммасидаги масъулият ва вазифалар

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ дастлабки йиллариданоқ юртимизда аудиторлик фаолиятига бўлган эътибор тадбиркорлик фаолиятининг такомиллашувига қўйилган муҳим қадамлардан бири сифатида намоён бўлди.

1992 ЙИЛ 9 декабрда **"Аудиторлик фаолияти тўғрисида"**ги Қонуннинг қабул қилиниши билан аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган бўлса, кейинчалик 2000 йил 26 майда бу Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши аудиторлик фаолиятининг янада такомиллашишига замин яратди.

Аввалambор, шуни таъкидлаш лозимки, аудиторлик ташкилоти аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лицензиясига эга бўлган юридик шахсдир. Аудиторлик ташкилотлари очиқ турдаги акциядорлик жамияти кўринишидан ташқари, қонун ҳужжатларида назарда тутилган исталган ташкилий-ҳуқуқий шаклда тузилиши ва ўз фаолиятини қўйидаги мажбурий шартларга риоя этган ҳолда амалга ошириши мумкин:

— аудиторлик ташкилоти устав капиталининг камида 51 фоизи мазкур аудиторлик ташкилотининг штатдаги бир ёки бир неча аудиторига тегишли бўлиши керак (аудиторлик ташкилоти — чет эл аудиторлик ташкилотининг филиали ёки шўъба корхонаси тузилган ҳоллар бундан мустасно). Аудитор фақат ўзи ишлайдиган битта аудиторлик ташкилотининг муассиси (иштирокчиси, акциядори) бўлиши мумкин;

— аудиторлик ташкилотининг штат бирлиги тегишли малакага эга бўлган штатдаги аудиторларнинг энг кам сонига доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши керак;

— аудиторлик ташкилотига фақат мазкур аудиторлик ташкилоти асосий иш жойи бўлган аудитор раҳбар бўлиши жоиз;

— аудитор ташкилотининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган устав капитали мавжуд бўлиши даркор.

Аудиторлик ташкилотлари ўз фаолияти ва хизматларини шартнома асосида амалга оширади. Аудиторлик хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартнома фақат аудиторлик ташкилоти жавобгарлигининг суғурта полиси мавжуд бўлган тақдирда тузилади.

Аудиторлик ташкилотлари Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши аудиторлик фаолиятининг муҳим ҳуқуқий асосларидан бири бўлиб, уларни давлат рўйхатидан ўтказиш Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги қарори билан тасдиқланган **"Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида"**ги Низом асосида амалга оширилади.

Сўнгги йилларда аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштириб борилмоқда. Хусусан, 2013 йил 30 апрелда **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Қонуннинг қабул қилиниши билан аудиторлик фаолиятининг янада такомиллашуви йўналишида қатор қонун нормалари киритилди.

Жумладан, **"Аудиторлик фаолияти тўғрисида"**ги Қонун янги 3^1-модда билан тўлдирилиб, аудиторлик хизмати кўрсатиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат қонунлаштирилди. Унга кўра, аудиторнинг малака сертификати аудиторнинг малакасини тасдиқловчи ва аудитор ташкилоти номидан аудиторлик хизматлари кўрсатиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат сифатида кўрсатилиб, ушбу малака сертификатини бериш, қайта расмийлаштириш, бекор қилиш, унинг амал қилишини узайтириш ва тугатиш тартиби махсус ваколатли орган томонидан белгиланиши қатъийлаштирилди.

Бундан ташқари, **"Аудиторлик фаолияти тўғрисида"**ги Қонуннинг қатор моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилдики, бу билан аудиторлик фаолиятини олиб борувчи ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда ваколатлари бўйича бир қатор талаблар қўйилди ва аудиторларнинг масъулиятини оширишга йўналтирилди.

Жумладан, киритилган ўзгартишга кўра, аудиторлик ташкилоти бошқа аудиторлик ташкилотининг муассиси (иштирокчиси, акциядори) бўла олмайди. Аудиторлик ташкилотининг фирма номида "аудиторлик ташкилоти" сўз бирикмаси ифодаланиши ва мазкур ном бошқа аудиторлик ташкилотларининг фирма номлари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга ўхшаш бўлган белгилар билан кўрсатилмаслиги, ушбу талабларга жавоб бермайдиган юридик шахс ўз номида "аудиторлик ташкилоти" сўз бирикмасидан фойдаланишга ҳақли эмаслиги қатъий белгилаб қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, аудиторлик ташкилотларининг ташкил этилишида, мазкур фаолиятни юритишда аудиторлик ташкилотлари ҳамда аудиторлар олдига катта масъулият юклаб, бу йўналишда қабул қилинган қонун нормалари уларни тартибга солиб туради.

Эркин ХОЛМАХМАТОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

Низо ва ечим

Ижара шартномаси

қонуний бўлгандагина нохуш ҳолатларнинг олдини олади

МАЪЛУМКИ, кундалик ҳаётимизда тураржойни ижарага бериш ва ижарага олиш шартномалари деярли оғзаки равишда амалга оширилади. Бундай шартномаларнинг ҳисоби ҳеч қаерда юритилмайди. Табиийки, улардан давлат божи ва даромад солиғи ҳам ундирилмайди.

НАТИЖАДА мазкур тоифадаги муносабатлардан тарафлар ўртасида низо келиб чиқмоқда ва иш судгача етиб бориш ҳоллари кузатилмоқда. Суд амалиётида эса бундай тоифадаги низоларни ҳал этиш, тарафларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда улар ўртасидаги низоли муносабатларни қонуний ва адолатли ҳал этишда бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Масалан, даъвогарлар Худоёрова Салима ва Ҳамдамов Шокирлар жавобгарлар Холова Дилафрўз ва Холов Алишерга (исми ва фамилиялари ўзгартирилган) нисбатан уй-жой олди-сотди шартномасини ҳақиқий, деб топиш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат этиб, жавобгарлардан низоли тураржойни 2001 йилда 800 000 сўмга келишиб, сотиб олганлигини ва уй учун 295 000 сўм берилганлигини, қолган қисмини 2001 йил декабрь ойига қадар тўлиқ тўлаганлигини аммо уй-жой нотариал расмийлаштирилмаганлигини баён қилган. Ўз навбатида, жавобгарлар ҳам низоли уй-жойни даъвогарларга ижарага берганлигини баён қилиб, тураржойдан мажбурий тартибда кўчириш ҳақидаги даъво билан судга мурожаат этган. Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судининг 2011 йил 23 августдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган. Кассация инстанциясининг 2011 йил 4 октябрдаги ажрими билан эса туманлараро судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Шунингдек, даъвогар Хошимов Тохир ҳам жавобгар Шеров Баҳодирга (исми-фамилиялари ўзгартирилган) нисбатан тураржойдан мажбурий тартибда чиқариш ҳақидаги даъво билан судга мурожаат этган. Қарши туманлараро судининг 2012 йил 12 июндаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган. Жавобгар суднинг ҳал қилув қароридан норози бўлиб, вилоят судига кассация тартибида шикоят билан мурожаат этиб, даъвогар билан ўрталарида 9 йил муқаддам ижара шартномаси тузилганлигини, шу асосда низоли тураржойда яшаб келаётганлигини баён қилган.

Фуқаролик кодексининг 603-моддасида уй-жойни ижарага бериш шартномаси ёзма шаклда тузилиши, фуқаролар ўртасида тузилган уй-жойни ижарага бериш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Хулоса қилиб айтганда, тураржой ижара шартномаси тарафларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга мазкур тоифадаги ҳуқуқий муносабатларга киришишда амалдаги қонун талабларига тўлиқ риоя этилиши тарафлар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган турли мулкий низоларнинг олдини олади.

Шерзод ЭЛИЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди судьяси

Тизим тадбирлари

Кичик бизнесга катта имкониятлар

берилаётгани улар ривожини таъминламоқда

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хизмат кўрсатувчи идоралар вакиллари иштирокида М.Улуғбек тумани ҳокимлигида навбатдаги "Очиқ эшиклар" куни ўтказилди.

УНДА тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва тугатиш, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турларини лицензиялашнинг муҳим йўналишлари, турли хил ҳисоботлар тақдим этиш шакллари, уларни тузиш борасида амалиётда жорий қилинган янги қулайлик ва имтиёзлар ҳамда ҳуқуқий ҳимоя масалалари ҳақида арофлича сўз юритилди.

Сўзга чиққанлар таъкидлаганларидек, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликка кенг эркинлик беришга қаратилган ислоҳотларни такомиллаштириш жараёни изчиллик билан давом эттирилмоқда. Натижада, кичик корхона ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкалари 6 фоиздан 5 фоизга туширилиб, якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган солиқ ставкаси ўртача икки баробар камайтирилди.

Мулкдорлар ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминлашга хизмат қилувчи олтита муҳим қонун, шунингдек, рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, солиқ ва статистик ҳисоботларни қисқартиришга қаратилган қонун ва норматив ҳужжатлар қабул қилинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка давлат томонидан берилаётган имтиёз ва кафолатлар натижасида Ўзбекистон бизнеси юритиш бўйича рейтингда 14 ўрин юқорига кўтарилди.

Очиқ мулоқот давомида адлия органлари мутахассислари томонидан рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомил, лицензияланиши талаб этиладиган 15 та фаолият тури бекор қилингани, статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларнинг шакллари ва даврийлиги бир ярим-икки баробар қисқартирилгани, давлат ва назорат қилувчи идоларларнинг тадбиркорлик субъектлари билан электрон шаклдаги алоқаси босқичма-босқич жорий этилаётганлиги аниқ мисоллар ёрдамида иштирокчиларга ҳуқуқий жиҳатдан тушунтирилди.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси томонидан "Қонунийликни таъминлашда давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари ўртасида ҳамкорликнинг муҳим жиҳатлари" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

Қонунийликни таъминлаш

изчил ҳамкорликни талаб этади

УНДА мамлакатимизда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг туб моҳиятида инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш ҳамда бунинг учун етарли кафолатлар яратишдан иборат эканлиги, Конституциямизнинг давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги тўғрисидаги қоида билан бошлангани ҳам инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари давлат манфаатларидан устунлиги, Президентимиз ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида олиб борилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг мақсади ҳам халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларида мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилганлиги ва бу борада вилоят адлия бошқармаси томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳамда галдаги муҳим вазифалар тўғрисида сўз юритилди.

Сўзга чиққанлар, қонунийликка риоя қилишда давлат органлари ва нодавлат ташкилотларининг ҳуқуқий тарғибот бўйича фаолиятини янада кенгайтириш, уларнинг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштиришда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш лозимлигини қайд этдилар.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Фермерлар кўмакчиси

режа асосида иш юритмоқда

ФЕРМЕРЛАРНИНГ ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, амалдаги қонунларимизнинг мазмунмоҳиятини тушунтириш, қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш борасида Жиззах вилояти адлия бошқармаси аниқ режа асосида бир қатор ишлар олиб бормоқда.



ЯҚИНДА вилоят адлия бошқармасида ҳудудий ва туман фермерлар кенгашларининг ҳуқуқий мақоми, уларнинг вазифалари ҳамда фермер хўжаликларига ер участкалари ажратиш ва уни узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини бекор қилиш тартиби, туман фермерлар кенгашлари раисларининг ер ажратиш бўйича туман комиссиясидаги ўрни ва роли масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Семинарда вилоят ва туман фермерлар кенгашларининг раҳбар ва мутахассислари, таъминотчи корхоналар масъуллари, ҳуқуқшуносларнинг, ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Жиззах вилоятида фермерлик ҳаракатини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар, янги тузилган фермерлар кенгашларининг ҳуқуқий мақоми, уларнинг уставор вазифалари хусусида фикр юритилди.

Абдуғаффор ОМОНБОЕВ,
журналист

Хўжалик суди амалиётидан

Ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар

солиқ қарзи ва санкция тўланган бўлса...

НИЗО БЎЙИЧА ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар солиқ тўловчи томонидан солиқ қарзи ва молиявий санкция тўланган бўлса, хўжалик суди низо бартараф этилганлиги сабабли даъвони қаноатлантиришни рад қилади.

Ишнинг мазмуни

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши туман худудий комиссиясининг 2012 йил 22 июндаги 07/15-сонли рухсатномаси ҳамда туман давлат солиқ инспекциясининг 2012 йил 26 июндаги 55-хс сонли буйруғига асосан туман давлат солиқ инспекцияси томонидан хусусий корхонага қарашли автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчасида 2012 йил 26 июнь куни қисқа муддатли текшириш ўтказилган, текширув натижаси юзасидан шу куни тегишли тартибда далолатнома расмийлаштирилган.

Текширишда хусусий корхона томонидан текшириш кунида шохобча ғазнасида 44300 сўм савдодан тушган нақд пул мавжуд бўлиб, ушбу савдо пули назорат касса машинасига кирим қилинмаганлиги ва харидорларга касса чеки берилмаганлиги аниқланган. Текшириш ўтказиш учун асос бўлган барча ҳужжатлар аризачи томонидан жавобгарга топширилган, текшириш тартиби ва қоидалари текширувчилар томонидан бузилмаган.

Аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш мақсадида солиқ текшируви материаллари 2012 йил 12 июлда давлат солиқ хизмати органи томонидан кўриб чиқилиб, ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Ушбу қарор билан хусусий корхонага Солиқ кодексининг 119-моддаси, биринчи қисмига асосан 1887600 сўм молиявий жарима ҳисобланиб, жаримани ихтиёрий тўлаш ҳақида солиқ тўловчига талабнома берилган.

Хусусий корхона томонидан ушбу молиявий жарима суммаси ихтиёрий равишда тўлаб берилмаганлиги сабабли, аризачи — туман давлат солиқ инспекцияси жавобгар — хусусий корхонага нисбатан Солиқ кодексининг 119-моддаси, биринчи қисмига асосан 1887600 сўм миқдорида молиявий жарима қўллашни сўраб, хўжалик судига ариза билан мурожаат қилган.

Аризачининг важлари

Хусусий корхонага қарашли автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси ғазнасида 44300 сўм савдодан тушган нақд пул мавжуд бўлиб, ушбу савдо пули назорат касса машинасига кирим қилинмаганлиги ва харидорларга касса чеки берилмаганлиги сабабли ушбу ҳолат Солиқ кодексининг 119-моддаси, биринчи қисмига асосан 1887600 сўм миқдорида молиявий жарима қўллашга сабаб бўлади, деб ҳисоблаган ва суд мажлисида жавобгар томонидан молиявий жарима суммаси тўлиқ қопланганлигини маълум қилиб, судга бу ҳақда маълумотнома тақдим қилган.

Жавобгарнинг фикри

Жавобгар суд мажлиси тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинганига қарамасдан, суд мажлисида ўзининг ишончли вакили иштирокини таъминламаган. Шунингдек, судга ўз эътирозларини билдирувчи даъво аризасига ёзма фикр бермаган.

Суд Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 130-моддаси, иккинчи қисмига асосан ишни жавобгар вакили иштирокисиз кўриб чиққан.

Суднинг ҳал қилув қарори

Биринчи инстанция суди текширишда аниқланган ҳолатлар аризачи вакилининг кўрсатмалари, текширишга оид ҳужжатлар, жумладан, текшириш далолатномаси, хусусий корхонага қарашли автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси сотувчиси ва холисларнинг воқеа жойида берган тушунтириш хатлари, давлат солиқ хизмати органининг текшириш натижаларини кўриб чиқиш баённомаси, текшириш натижалари юзасидан қабул қилинган қарор ва бошқа ҳужжатлар билан исботланган, аммо давлат солиқ хизмати органи томонидан солиқ тўловчига молиявий жарима қўллаш ҳақидаги талаб билан хўжалик судига мурожаат этилганидан кейин хусусий корхона томонидан молиявий жарима суммаси ихтиёрий равишда тўланганлиги сабабли арз қилинган талабни қаноатлантириш рад этилган.

Суднинг ҳал қилув қарорига шарҳ

Хўжалик суди томонидан кўрилган мазкур ишда низонинг моҳиятини аниқлашда қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратиш муҳимдир:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги **"Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармонига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги **"Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар тўғрисида"**ги қарорига асосан тадбиркорлик субъектларига нисбатан молиявий жарималарни қўллаш фақат суд тартибида амалга оширилади.

Солиқ кодекси 119-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ фискал хотирали назорат касса машиналарини ва (ёки) тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик, худди шунингдек, сотиб олувчига квитанциялар ёзиб бериш, талонлар, чеклар ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни бериш мажбурий бўлгани ҳолда бундай ҳужжатларни бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик — энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Хусусий корхонага қарашли автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси ғазнасида 2012 йил 26 июнь куни 44300 сўм савдодан тушган нақд пул мавжуд бўлган ва ушбу савдо пули назорат касса-машинасига кирим қилинмаган ҳамда харидорларга касса чеки берилмаган.

Мазкур ҳолат хусусий корхонага Солиқ кодексининг 119-моддаси, биринчи қисмига асосан ҳуқуқбузарлик аниқланган кундаги энг кам иш ҳақи (62920 сўм)нинг ўттиз бараваридан эллик бараваригача (1887600 сўмдан 3416000 сўмгача) миқдорда молиявий жарима қўллашга сабаб бўлади.

Аммо хусусий корхона томонидан 1887600 сўм молиявий жарима миқдори давлат солиқ хизмати органи томонидан солиқ тўловчига молиявий жарима қўллаш ҳақидаги талаб билан хўжалик судига мурожаат этилганидан кейин, ҳал қилув қарори қабул қилингунига қадар молиявий жарима суммаси ихтиёрий равишда тўланган.

Низо бўйича ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар солиқ тўловчи томонидан солиқ қарзи ва молиявий санкция тўланган бўлса, хўжалик суди низо бартараф этилганлиги сабабли даъвони қаноатлантиришни рад этади. Агар солиқ тўловчи томонидан даъво талабида кўрсатилган сумма қисман тўланган бўлса, хўжалик суди солиқ тўловчининг мол-мулкидан ундирувни солиқ қарзининг қолган суммасига қаратади, молиявий санкциянинг қолган суммасини қўллайди. Мол-мулкка ундирув қаратилиши ёки қўлланилиши лозим бўлган сумманинг аниқ миқдори суднинг ҳал қилув қарорида кўрсатилади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги **"Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"**ги қарорининг 41-бандида тушунтириш берилган.

Қайд этилганларга кўра, хўжалик суди назорат қилувчи органнинг аризасидаги талабни қаноатлантиришни рад этган.

Эълонлар

Малака комиссиясининг 24.05.2013 йилдаги 4-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 30.05.2013 йилдаги №144-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "HARBIY XIZMATCHILAR ISHLARI BO'YICHA MAXSUS" адвокатлар ҳайъати адвокати Казакбаева Екатерина Мухтаровнага бошқарма томонидан 01.06.2009 йилда берилган TN-000137 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва 30.06.2009 йилда берилган 5-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

***

Малака комиссиясининг 24.05.2013 йилдаги 4-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 30.05.2013 йилдаги №144-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "FIDES" адвокатлик фирмаси адвокати Қораев Баходир Шарифовичга бошқарма томонидан 22.09.2011 йилда берилган TN-001466 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва 03.10.2011 йилда берилган 2003-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

***

Малака комиссиясининг 24.05.2013 йилдаги 4-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 30.05.2013 йилдаги №144-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "AVTOADVOKAT" адвокатлик фирмаси адвокати Муратова Малохат Рахмановнага бошқарма томонидан 08.06.2009 йилда берилган TN-000683 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва 29.06.2011 йилда берилган 1904-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

***

Малака комиссиясининг 24.05.2013 йилдаги 4-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 30.05.2013 йилдаги №144-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "VERUM LEGAL" адвокатлик фирмаси адвокати Намазова Нилюфер Джаббаровнага бошқарма томонидан 24.06.2009 йилда берилган TN-001049 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва 30.06.2009 йилда берилган 448-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

***

Малака комиссиясининг 24.05.2013 йилдаги 4-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 30.05.2013 йилдаги №144-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "S YAKUBOV VA ADVOKATLAR" адвокатлар ҳайъати адвокати Скрипниченко Андрей Дмитриевичга бошқарма томонидан 20.05.2011 йилда берилган TN-001413 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва 03.06.2011 йилда берилган 1885-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

***

Малака комиссиясининг 24.05.2013 йилдаги 4-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 30.05.2013 йилдаги №144-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "HIMOYA-NUR" адвокатлик фирмаси адвокати Хван Анатолий Григорьевичга бошқарма томонидан 08.06.2009 йилда берилган TN-000749 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва 30.06.2009 йилда берилган 411-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

***

Малака комиссиясининг 24.05.2013 йилдаги 4-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 30.05.2013 йилдаги №144-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "LOCHIN HIMOYASI" адвокатлик фирмаси адвокати Эшанкулов Анвар Ураловичга бошқарма томонидан 05.06.2009 йилда берилган TN-000460 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва 30.06.2009 йилда берилган 258-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

***

Малака комиссиясининг 24.05.2013 йилдаги 4-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 30.05.2013 йилдаги №144-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "HUQUQIY YORDAM MARKAZI-ERA" адвокатлик фирмаси адвокати Рахманов Рахмон Алимовичга бошқарма томонидан 11.06.2009 йилда берилган TN-000840 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва 09.12.2010 йилда берилган 1666-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

***

Малака комиссиясининг 24.05.2013 йилдаги 4-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 30.05.2013 йилдаги №144-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "HUQUQIY YORDAM MARKAZI-ERA" адвокатлик фирмаси адвокати Валеев Дамир Ришатовичга бошқарма томонидан 29.06.2009 йилда берилган TN-001105 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва 15.07.2009 йилда берилган 992-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

***

Малака комиссиясининг 24.05.2013 йилдаги 4-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 30.05.2013 йилдаги №144-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "FEMIDA-MDU" адвокатлик бюроси адвокати Батыршин Марат Шариповичга Бухоро вилоят адлия бошқармаси томонидан 21.05.2009 йилда берилган BH-000118 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва 10.07.2009 йилда берилган 843-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

***

Малака комиссиясининг 24.05.2013 йилдаги 4-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 30.05.2013 йилдаги №144-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "SBS AND PARTNERS" адвокатлик бюроси адвокати Жўраев Шухрат Холбаевичга бошқарма томонидан 15.06.2009 йилда берилган TN-000916 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва 11.11.2010 йилда берилган 1648-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

Бухоро вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 3 июндаги 125-ум-сонли буйруғига асосан Самиев Толиб Халимовичга 2009 йил 21 майда берилган BH 000096-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

***

Бухоро вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 3 июндаги 126-ум-сонли буйруғига асосан 2009 йил 21 майда берилган BH 000080-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Бухоро шаҳридаги "ABDULLOEV XOMIT CHORIEVICH" адвокатлик бюроси адвокати Абдуллоев Хомит Чориевичнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми 1 ой муддатга тўхтатилди.

Тошкент вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 6 июндаги 32-А-ум-сонли буйруғига асосан "TEMUR-ADOLAT-TAYANCH" адвокатлик фирмаси адвокати Хаитметов Қобилжон Жўрабоевичга вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 3 июнда TS 000189-сонли адвокатлик мақомини олиш ҳуқуқи билан берилган лицензиянинг амал қилиши суднинг тегишли қарори қонуний кучга киргунига қадар тўхтатилди.

Тошкент вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 4 июндаги 31-А-ум-сонли буйруғига асосан "HAQIQAT" адвокатлик фирмаси адвокати Сайдуллаев Аюбхон Мусахоновичнинг адвокат мақоми уч ойдан ошмайдиган муддатда якка тартибда ёки лицензияга эга бўлган бошқа шахслар билан биргаликда адвокатлик тузилмасини тузиши ёхуд фаолият кўрсатаётган адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган даврга тўхтатилди.

Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 5 июндаги 119-ум-сонли буйруғига асосан Пайариқ туманидаги "Tenglik nuri" адвокатлик фирмаси адвокати Кубаева Донохонга вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 8 июнь куни берилган SA №000076-рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Фарғона вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 4 июндаги 158-ум-сонли буйруғига асосан Усманова Мунаввар Ибрагимовна (лицензия FE №000223, 04.04.2012 йил, адвокатлик гувоҳномаси №288, 04.06.2013 й.) ҳамда бошқармининг 2013 йил 4 июндаги 159-ум-сонли буйруғига асосан Курбонов Аҳмадали (лицензия 03.06.2009 йил FE №000010, адвокатлик гувоҳномаси №289, 04.06.2009 й.) Қўқон шаҳридаги "Ҳақиқат тарафдори" адвокатлар ҳайъатига ишга кирганликлари муносабати билан адвокатлик мақомлари 2013 йил 4 июнь кунидан тикланди.

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ илк кунлариданоқ мамлакатимизда халқимиз саломатлиги учун қайғуриш, соғлом турмуш тарзини яратиш, жамиятда соғлом муҳитни шакллантириш энг муҳим масалалардан бири сифатида давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Аҳолининг соғлом ва узоқ умр кўриши учун Юртбошимизнинг кўплаб фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари қабул қилинди. Жумладан, Президентимизнинг "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан ҳам кўплаб ижобий ишлар амалга оширилди.

Соғлом турмуш тарзи

ОИТС — ажал тўри

Бу бедаво дард туфайли ҳар йили миллионлаб инсонлар ҳаётдан бевақт кўз юммоқда

БУ ЖАРАЁН бугун ҳам изчиллик билан давом эттирилмоқда. Мамлакатимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида қатор амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Тиббиётимиз равнақи йўлида дунёвий аҳамиятга молик ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу қувончли ҳол. Бироқ бизга, бизнинг ҳаёт тарзимизга хавф солиши мумкин бўлган бугунги жараёнларда сарҳад билмас оғир касалликлар ҳам борки, бу борада аҳоли ўртасида кенг миқёсли тарғибот олиб боришни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Қуйида ушбу, умуминсоний муаммо, айтиш жоизки, аср муаммоси ҳақида сўз юритилади.

Бугун биз дунёдан айри яшай олмаймиз. Оддий қилиб айтганда, ер шари барчамизнинг умумий уйимиз. Шундай экан, инсониятнинг қувончи, ҳатто, дарди ҳам бегона эмас.

Дунёни ларзага солаётган бедаво хасталиклардан бири бу — ОИТСдир. Маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда жаҳон бўйича 34 миллион киши ОИВ инфекциясига чалинган бўлса, ҳар йили уларнинг сафига яна 2 миллион 700 минг нафар киши қўшилади ва 2 миллионга яқин одам бу касаллик оқибатида ҳаётдан кўз юмади.

Дунёнинг кўпгина давлатларида ОИВ инфекциясини бошқа шахсларга юқтирганлик учун жавобгарлик белгиланган. Айрим давлатларда бунинг учун оғир жазо тайинланади. Мамлакатимиз Жиноят кодексининг 113-моддасига кўра, била туриб бошқа шахсни ОИВ касаллигини юқтириш хавфи остида қолдирган ёки юқтирган шахс беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш бўйича белгиланган чора-тадбирлар ҳуқуқий муносабатларда аниқтиниқ кўрсатиб қўйилган ва бундай нобоп ҳолатларнинг олдини олиш давлат томонидан тартибга солинади. Шу билан бирга ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирлари ва ОИВ инфекциясини юқтириб олган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш, инфекция юқтириб олганларнинг ҳуқуқлари ҳам қонуний ҳимояланади. Бироқ бугунги глобаллашув, ҳудудларнинг бу каби ўта хавфли бало-қазолардан тўлиқ ҳимояланмаганлиги, тезкор тараққиёт таъсирида бундай таҷовузкор хасталикнинг олдини олиш умуминсоний якдилликни талаб этади. Яқинда Олий Мажлисда **"Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида"**ги янги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Соҳага оид янги қонун лойиҳаси 5 та боб, 27 моддадан иборат бўлиб, қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда мутахассисларнинг фикрлари, амалиёт ҳамда ривожланган чет давлатларнинг мазкур йўналишдаги тажрибалари ўрганилди.

1999 йил августда қабул қилинган ва бугунги кунда амалда бўлган **"Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида"**ги Қонунда "ОИТС/ОИВ касаллигини юқтирганлар тиббий кузатув остида бўлиши шарт"лиги белгиланган бўлиб, тиббий кузатув қандай амалга оширилиши, унинг тартиби қайси орган томонидан белгиланиши масалалари очиқ қолган. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларда ОИВ касаллиги аниқланган тақдирда, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юборилиши кўрсатилган, амалда эса унинг ижросини таъминлайдиган қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқилмаган.

Амалдаги Қонуннинг 12-моддасида Ўзбекистон Республикасига кириш шартлари белгиланган бўлиб, унга кўра, "Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари Ўзбекистон Республикасига келаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, улар ўзларида ОИТС/ОИВ касаллиги йўқлигини тасдиқловчи сертификатни қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда тақдим этганлари тақдирда, Ўзбекистон Республикасига кириш учун виза берадилар", деб белгиланган.

Бироқ амалда унинг ижроси юзасидан тартиб ишлаб чиқилмаган. Халқаро тажрибага кўра эса кўплаб давлатлар, жумладан, АҚШ, Европа мамлакатлари ҳамда МДҲга аъзо давлатлар ўз мамлакатларига кирадиган чет эл фуқароларига визаларни расмийлаштиришда юқоридаги талабни қўймайдилар.

Янги қонун лойиҳаси ОИВ юқтириб олган шахсларга тиббий ёрдамни ташкил қилиш, ўз хизмат вазифаларини бажараётганда ОИВ инфекциясини юқтириб олиш хавфи остида бўлган тиббиёт ходимлари ижтимоий муҳофазасини белгилаш, ОИВ юқтириб олганлар ҳуқуқининг чекланишига йўл қўймаслик масалаларини ҳал этишни мақсад қилган. Бундан ташқари, ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича тадбирларни молиялаштиришнинг ҳуқуқий асосини белгилаш мақсадида, қонун лойиҳасида ушбу тадбирларни молиявий таъминлаш Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети, шунингдек, молиялаштиришнинг қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалари ҳисобидан амалга оширишни белгилаш назарда тутилмоқда.

Айтиш жоизки, Президентимизнинг 2008 йил 26 декабрда қабул қилган **"Ўзбекистон Республикасида ОИВ касаллигининг тарқалишига қарши кураш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Қарори ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Республикамизда ОИТСга қарши кураш тизими 1987 йилдан бери фаолият кўрсатмоқда. Республика ОИТСга қарши кураш марказининг фаолияти бир қатор йўналишларни қамраб олган. Ўзбекистон ОИВ инфекцияси профилактикаси соҳасидаги барча халқаро мажбуриятларни ўз зиммасига олган.

ОИВ касаллигининг тарқалиб кетишига қарши кураш соҳасида давлат, жамоатчилик, халқаро ва хорижий ташкилотларнинг янада яқинроқ ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида ОИВ инфекциясининг тарқалиб кетишига қарши тадбирларни мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси таркиби ва низоми тасдиқланиб, ушбу комиссиянинг асосий вазифалари, ваколати ва масъулияти белгиланганн ҳам ҳаётий аҳамият касб этаётир.

Президентимиз Қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2009 йил 5 январда Вазирлар Маҳкамаси томонидан **"ОИТСга қарши кураш марказларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори амалга киритилди.

Ҳозирда Республика ОИТСга қарши кураш маркази, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ОИТСга қарши кураш марказлари, шунингдек, 59 та туманлараро ОИТС диагностика лабораториялари ва республика миқёсидаги тиббиёт муассасаларида 10 та ОИТС диагностика лабораторияси фаолият юритмоқда.

Айни пайтда Миллий режага мувофиқ ОИВ инфекциясини юқтириб олган шахсларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида Республика ОИТСга қарши кураш маркази қошида 60 ўринга мўлжалланган клиника ташкил этилган.

Кейинги икки йилда 10 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланиб, Навоий, Фарғона, Сирдарё, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳрида марказлар учун янги бино қуриб битказилди, қолган барча вилоят марказларида капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Давлат бюджети ҳисобидан 2010-2011 йилларда республика ва 14 та ҳудудий ОИТСга қарши кураш марказлари ва 59 та туманлараро ОИТС диагностика лабораториялари 7.5 миллиард сўм қийматга эга замонавий халқаро андазаларга мос лаборатория асбоб-анжомлари билан жиҳозланди. Бу лабораториялар учун давлат бюджети томонидан тест системалар ва реактивлар сотиб олиш учун 2011 йилда 650 миллион, 2012 йилда 656 миллион, 2013 йилда эса 800 миллион сўм маблағ ажратилган.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда ОИВ инфекциясига лаборатория усулида ташхис қўйиш, аҳолини ушбу касалликдан муҳофаза қилиш, унга қарши курашиш ва даволаш тадбирларини олиб боришда ривожланган давлатлар тажрибаси ўрганилмоқда. Шу билан бирга, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва менталитетимиздан келиб чиққан ҳолда кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Орттирилган иммунитет танқислиги вируси инсон организмига тушгандан сўнг баъзан ўн йиллар давомида ҳам клиник белгилари намоён бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун бу касалликни юқтирганлар аксарият ҳолларда касалликка чалинганликларини ўзлари сезмасликлари мумкин. Вирус организмнинг иммун тизимини издан чиқаргандан кейин, муайян бир касалликлар, масалан, пневмония, сил, ҳар хил кандидозлар ва бошқа инфекциялар хуружини организм енголмай қолганида ҳамда бемор шифохонага ўша касаллиги бўйича мурожаат қилганида, бу хасталикка чалингани аён бўлади.

Хорижий адабиётларда ОИВ инфекциясига чалинган одамнинг умрини соғлом одамнинг умрича лик чўзиш мумкин, деган фикрлар айтилмоқда. Бунинг учун у доимий равишда шифокор назоратида бўлиши ва махсус антиретровирус дориларини қабул қилиб туриши зарур.

Дунё бўйича 2 фоиз инсонда ОИВ зарарлаши мумкин бўлган иммун ҳужайраларининг шакли ўзгарган бўлади ва бу наслий белги ҳисобланади. Шундай бахтли инсонлар ОИВ билан касалланмаслигини соҳа мутахассислари исботлашган. Шакли ўзгарган ҳужайрага вирус бирика олмайди ва шунинг ҳисобига бу тоифадаги одамга вирус юқмайди. Шунингдек, 25 фоиз инсонда ушбу белгига ўхшаш қисман ўзгаришга учраган ҳужайралар мавжуд.

Кейинги йилларда, чет давлатларда узоқ вақт бўлиб, Ўзбекистонга қайтган республикамиз фуқаролари орасида ОИВ инфекцияси билан касалланиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Агар 2009 йилда 166 нафар хориждан қайтган шахсда ОИВ инфекцияси аниқланган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилда 205 нафарни, 2011 йилда 241 нафарни ва ўтган 2012 йилда эса 272 нафарни ташкил этди. Таҳлилларга кўра, ОИВ инфекцияси аниқланган шахсларнинг 94,1 фоизига касаллик жинсий йўл билан юққан.

Ушбу вазиятни инобатга олган ҳолда Республика комиссиясининг қарори асосида ишчи гуруҳи ташкил этилиб, Соғлиқни сақлаш, Адлия, Ички ишлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, Молия, Иқтисодиёт вазирликлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Хотин-қизлар қўмитаси, МХХ, Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Камолот" ЁИҲ, "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари ҳамда тегишли идора ва ташкилотлар томонидан "Чет давлатларда узоқ вақт бўлиб, Ўзбекистонга қайтган республикамиз фуқароларини ОИВ инфекциясига текшириш ва касаллик тарқалишининг олдини олиш бўйича тартиб" ҳамда "Чет давлатларда узоқ вақт бўлиб, Ўзбекистонга қайтган республикамиз фуқароларини ОИВ инфекциясига текшириш билан қамраб олиш ишларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар режаси"да кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш ишларини олиб бормоқда.

Тан олиб айтиш керакки, бугун дунё бўйича юқорида келтирганимиздек, салкам 34 миллион бемор ОИВ/ОИТС азобини тортмоқда. Бедаво дард туфайли миллионлаб беморларнинг ёстиғи қуриди. Лекин дунё тиббиёти ушбу касалликни даволаш чорасини излашда давом этмоқда. Бу борада ўзбекистонлик соҳа олимлари ҳам тадқиқотлар олиб бормоқда.

Нурмат АТАБЕКОВ,
Республика ОИТСга қарши кураш маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Меморандум: Адлия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси ҳамкорлиги

Маҳаллийлаштириш

бугуннинг талаби

БУГУНГИ КУННИНГ энг устувор вазифаларидан бири мамлакатни иқтисодий, ижтимоий, интеллектуал салоҳияти, табиий захиралари, жўғрофий ҳолати, бой маданий-маънавий меросига таянган тараққиёт-нинг "Ўзбек модели" асосида модернизация қилиш ва замонавий қувватларни ишга тушириш орқали маҳаллий хомашёлардан сифатли ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва шу орқали дунё бозорида ўз ўрнимизга эга бўлишдир. Шундан келиб чиққан ҳолда, "Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури" ишлаб чиқилган эди.

МАЗКУР дастурнинг асосий моҳияти мамлакатимизга импорт қилинаётган маҳсулотлар (ва шу жумладан, бутловчи қисмлар)нинг ўрнига ўзимизда мавжуд бўлган маҳаллий хомашёлардан фойдаланган ҳолда хорижникидан қолишмайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш натижасида янги иш ўринлари яратиш, уларни малакали мутахассислар билан тўлдириш орқали импорт учун сарфланаётган валюта захираларини тежашдан иборат.

Бу борада дастурда кўзда тутилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга оширадиган корхоналарга солиқ ва божхона тўловлари бўйича қатор имтиёзлар белгиланган.

Бундай имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшаб қоладиган маблағлар янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга, фаолиятни янада кенгайтиришга, реконструкция қилишга, модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, сифатни бошқариш тизимларини жорий этишга, муҳандис-техник ходимларни рағбатлантиришга, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини молиялаштиришга, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини пасайтиришга йўналтирилади.

Ўтган давр мобайнида Президентимиз қарорлари билан тасдиқланган маҳаллийлаштириш дастурларида белгиланган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда Хоразм вилоятидаги бир қанча корхоналар маҳаллийлаштириш дастурларида иштирок этди. Эндиликда хорижий мамлакатлардан келтириладиган маҳсулотлар ва бутловчи қисмлар ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда.

Вилоятда "Хоразмантикоринвест" ишлаб чиқариш корхонаси, "AL-BEYAZIM ELEKTRIK" ва "Ўзбек-Турк мавера пласт" қўшма корхоналари маҳаллийлаштириш лойиҳаларига асосан махсулот ишлаб чиқариш билан бирга тегишли имтиёзлардан фойдаланиб келмоқда.

Давлатимиз томонидан маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналар 2012 йил мобайнида 127231,6 минг сўм миқдорида имтиёзлардан фойдаланишди.

Маълумки, вилоятда маҳаллийлаштириладиган маҳсулотни ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун кувватлар ва маҳаллий хомашё ресурслари етарли. Шунингдек, ҳар доим маҳаллийлаштириладиган маҳсулотларга ички ва ташқи бозорларда талаб мавжуд бўлиб, шунга ўхшаш маҳсулотлар импортининг борлиги бу соҳада ҳамиша янгиликлар яратишни талаб этади. Қолаверса, маҳсулотнинг потенциал истеъмолчилари билан шартномаларнинг ёки аҳдлашувларнинг борлиги ҳам бу соҳани янада ривожлантириш имконини беради.

Шунингдек, тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатилган.

Ҳурмат АБДУКАРИМОВ,
Хоразм вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари

БУГУН юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, янгиланиш ва ўзгаришларнинг шоҳиди бўласиз. Бундай жараёнлар, албатта, тинчлик ҳукм сураётган жойда юз беради. Буни таҳririятга келаётган турли касб ва соҳа ходимларининг, қолаверса, фуқароларнинг фикр ва мулоҳазалари битилган мақолалардан ҳам билиш мумкин. Бундан ташқари, жойлардаги айрим муаммо ва камчиликлар ҳамда уларнинг ечимлари хусусида ёзилган мақолалар ҳам келганки, уларнинг барчасини газета саҳифаларида чоп этишнинг имкони бўлмаганлиги сабабли уларни жамлаб, шарҳлашни лозим топдик. Мазкур шарҳимиз орқали бир қанча мақолаларнинг қисқача мазмуни билан танишасиз.

Шарҳ

Мазмун ва сифат

мақолаларга қўйилган асосий талаб эканлигини унутманг

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси масъул ходими **Атҳам Яркулов** йўллаган "Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, корхона, ташкилот ва муассасаларда юридик хизматни ташкил этиш масалалари юзасидан" савол-жавобида фуқароларнинг саволларига ҳуқуқий тушунтиришлар берилган. Сирдарё вилояти адлия бошқармаси масъул ходими **Иномжон Кудратов**нинг газетага юборган "Тизим тадбири" рукнидаги хабарида эса вилоятдаги касб-ҳунар коллежларида масъул идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил қилинган ўқув-семинарлар тафсилотлари қаламга олинган.

Бугуннинг аёли барча соҳада ўз ўрнини топиши учун кўплаб имконият ва имтиёзлар яратилган. Шунинг учун ҳам улар раҳбар, зиёли, шифокор, тадбиркор... деб ёзади Гулистон тумани ФҲДЁ бўлими мудири **Матлуба Умматқулова** ўзининг "Аёлга эътибор миллатга эътибордир" сарлавҳали мақоласида. Ромитан тумани ФҲДЁ бўлими инспектори **Феруза Қувонова** эса "Оила жамиятнинг асосий таянчи" мақоласида соғлом оилаларни шакллантириш, бу борада олиб борилаётган ишлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти билан таништиришга ҳаракат қилган.

Одам савдоси шахсни ёллаш, уларни муайян бир давлат чегарасидан ташқарига олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ бўлиб, у шахсни сотиш, сотиб олиш, алдаш, мажбурлаш йўли билан унга тазйиқ ўтказиш каби ҳаракатларни ўз ичига олади, дея таъкидлайди Ховос тумани ДНИ нотариуси **Ширинои Қаршиева** "Пуч ваъдаларга учманг" мақоласида. Шунингдек, Андижон вилояти адлия бошқармаси томонидан фуқароларнинг мурожаатларини ўрганиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида "Инсон ва қонун" мухбири **Шухрат Мусаев** "Инсон ҳуқуқлари бош омил" мақоласида шундай ёзади: Жорий йилнинг биринчи чорагида "Ишонч телефони"га қилинган мурожаатлар асосида мансабдор шахслардан фуқароларга етказилган маънавий зарарни ундириш бўйича судларга 75 та даво ариза киритилиб, суднинг қарорига кўра уларнинг 74 таси қаноатлантирилди ва мансабдор шахслардан 840.000 сўм миқдорида маънавий зарар ундирилди. Давлат солиқ қўмитаси тизими фаолияти борасида эса Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошлиғи **Азат Раҳметуллаев** "Бозорлар — фаровонлик мезони" ҳамда мазкур бош бошқарманинг Бухоро вилояти бўлими бошлиғи **Баҳодир Муҳамедов** "Қатъий тартиб ўрнатиш йўлида" ва Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг бўлимининг бош инспектори **Гулбаҳор Аймурзаева**нинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик" мақолаларида бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги ислоҳотларни оқилона ташкил этиш, харидор ва хизмат кўрсатувчиларга қулайликлар яратиш, бюджетга йўналтирилган тушумлар устидан қатъий назорат олиб бориш муҳим аҳамиятга эгалиги ҳамда бу борада амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

— Деҳқон ўзи етиштирган ҳосилнинг мўлкўллиги ва сифати билан ғурурланса, ўқитувчи таълим берган ўқувчиларининг билими, тарбияси, хулқи, дунёқараши самарасини кўриб фахрланади, — дейди "Инсон ва қонун" мухбири **Азим Қодиров** ўзининг "Ҳам таълим, ҳам тарбия маскани" сарлавҳали мақоласида. Фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро суди раиси **Шерали Тошев**нинг "Битимлар билан боғлиқ низолар" мақоласида эса фуқаролар ва юридик шахслар ўзларининг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга доир муносабатларни битимлар тузиш орқали амалга оширилиши хусусида сўз борса, фуқаролик ишлари бўйича Янгиқўрғон туманлараро судининг архив мудири **Санобар Тўрабоева**нинг "Ота-оналарнинг вояга етмаган фарзандлари учун таъминот бериш мажбурияти" мақоласида ота-оналарнинг вояга етмаган фарзандлари олдидаги бурчлари ҳақида қалам тебратилган.

Бундан ташқари, Адлия вазирлиги масъул ходими **Сарвар Мамажонов**нинг "Маҳалла — халқ виждони", ТДЮИ ўқитувчиси **Камола Алиева**нинг "Фуқаролик жамиятини шакллантиришда маҳалланинг ролини ошириш", Ўзбекистон савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари вазифасини бажарувчи **Улуғмурод Эрназаров**нинг "Тадбиркорлик ривожи — тараққиёт гарови", ЎзДЖТУ қошидаги 3-сон академик лицейи ўқитувчиси **Азиза Нодирова**нинг "Ўйғун камол топган, ўқимишли, замонавий фикрловчи ёш авлодни шакллантиришнинг муҳим омили", Янгийўл тумани 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси **Гулбаҳор Факирова**нинг "Ободлик кўнгилдан, маънавият оиладан бошланади" ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси **Юлдуз Исмоилова**нинг "Обод турмуш фаровонлиги йўлидаги ислоҳотлар" мақолаларида ҳам фуқаролик жамиятини шакллантиришда маҳалланинг ўрни, тиббиёт соҳасидаги ислоҳотлар, тадбиркорларга яратилаётган имкониятлар каби мавзуларда атрофлича фикр юритилган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидламоқчимизки, таҳririят почтасига мақола йўллаётган ҳар бир муаллифга миннатдорчилик билдирамиз. Чунки, бу сизнинг юрт равнақи йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларга беэътибор эмаслигингиздан далолат. Аммо йўллаётган мақолаларнинг сонига эмас мазмунига эътибор берилса, нур устига аъло нур бўларди.

Ёрбек ИСКАНДАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Хориж амалиёти

Маъмурий-ҳуқуқий низолар

ва уларни ҳал қилишнинг айрим масалалари

РИВОЖЛАНГАН демократик давлатларнинг тажрибаси ва суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ўтган давр мобайнидаги ишларнинг таҳлили шундан далолат берадики, юристларнинг давлат бошқарувидаги роли ва аҳамиятини янада оширишни таъминламасдан туриб, мамлакатни сиёсий ҳамда иқтисодий янгилаш ва модернизация қилишда муваффақиятга эришиб бўлмайди.

ХОРИЖ тажрибалари борасида тўхталадиган бўлсак, маъмурий-ҳуқуқий низоларни ҳал қилиш бўйича хорижий мамлакатлар орасида Германияда тажрибаси қизиқарлидир. Айнан Германия маъмурий-ҳуқуқий низоларни ихтисослашган маъмурий судлар ҳал қилишини назарда тутувчи судлов модели мавжуд.

Мазкур моделнинг афзаллиги сифатида судьяларнинг ихтисослашуви туфайли юқори даражадаги профессионализм ва тажрибага эгалигини кўрсатиш мумкин. Ушбу моделнинг ўзига хос жиҳати судлар томонидан маъмурий ишларни кўриб чиқишнинг махсус процедураси мавжудлигида ҳам намоён бўлади.

Шу билан бирга маъмурий судлар суд ҳокимиятининг мустақил тармоғи ҳисобланиб, ташкилий жиҳатдан оммавий маъмуриятга камроқ боғланган бўлади.

Шундай қилиб, Германияда суд маъмурий адлиясининг уч бўғини тизими фаолият кўрсатади:

— биринчи бўғин — ерларнинг маъмурий судлари. Унча катта бўлмаган федерал ерлар биттадан, йириклари эса еттитагача судга эга;

— иккинчи (ўрта) бўғин — ернинг Олий маъмурий суди, баъзи ерларда у Маъмурий суд палатаси, деб аталади. Ҳар бир ерда биттадан шундай суд мавжуд, Қуйи-саксония ва Шлезвиг-Голштейн ерларида эса иккаласи учун битта Олий маъмурий суд ташкил қилинган;

— учинчи (олий) бўғин — Германия федерал маъмурий суди. Унинг қароргоҳи Лейпциг шаҳрида жойлашган.

Конституциявий ҳуқуқ соҳасига тегишли бўлмаган барча оммавий-ҳуқуқий низолар, агар федерал қонунга мувофиқ уларни кўриб чиқиш бошқа суднинг ваколатига берилмаган бўлса, маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилади.

Маъмурий суд ўзининг судловига таалluқли барча низоларни биринчи инстанцияда ҳал қилади.

Миржон ИСАЕВ,
ТДЮИ 2-босқич магистранти

Бухоро вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 10 июндаги 133-ум-сонли буйруғига асосан Исоева Риселат Шукруллоевнага 2009 йил 21 майда берилган ВН 000120-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 8 июндаги 121-ум-сонли буйруғига асосан адвокат Ильмурадов Шухрат Рустамович Самарқанд шаҳридаги "Мустақил химоячилар" адвокатлик фирмасига ишга кирганлиги муносабати билан унинг адвокатлик мақоми тикланди.

Семинар

Қонунбузилиш ҳолатлари

ўрганишлар натижасида бартараф этилмоқмоқда

МАЪЛУМКИ, Юртбошимиз томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепция"си барча соҳалар каби суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг янги босқичини бошлаб берди. Концепцияда белгилаб берилган устувор вазифалар ижроси юзасидан муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилинмоқда. Президентимизнинг "Давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш соҳасида адлия органларининг ролини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори шулар жумласидандир.

УШБУ Қарорга асосан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимиятлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идораларининг ҳуқуқни қўллаш фаолияти устидан тизимли мониторинг ва назорат олиб боришнинг янги механизмлари яратилди ва Адлия вазирлиги тизимида Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш Бош бошқармаси ва жойлардаги ҳудудий бўлимлари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, бошқарманинг Наманган вилояти ҳудудий бўлими томонидан "Давлат бошқаруви, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг долзарб масалалари" мавзуида семинар ўтказилди. Унда вилоятдаги тегишли давлат бошқаруви ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳудудий тузилмаларининг раҳбарлари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Семинарда ҳудудий бўлим томонидан жорий йилнинг I ярмида солиқ, божхона, соғлиқни сақлаш, архитектура ва қурилиш, санитария-эпидемиология назорати, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва 70 дан ортиқ бошқа давлат идораларида ўрганиш ўтказилгани ва ўрганишлар натижасида 500 дан ортиқ қонунбузилиш ҳолатлари аниқлангани таъкидланди.

Тадбирда давлат органлари фаолиятидаги мавжуд тизимли муаммо ва камчиликлар, уларнинг олдини олиш ва бу борадаги амалиёт ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган таклифлар муҳокама қилинди.

Абдуҳошим МАДАТОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Одам савдоси — аср муаммоси

Ўзини ҳурмат қилган киши

ўз ихтиёри билан қул бўлмайди

БМТ маълумотига кўра, ҳар йили дунё бўйича тахминан 2 миллион 800 минг киши одам савдоси жиноятининг қурбонига айланмоқда. Ачинарлиси, одам савдоси жиноятидан жабрланганларнинг 80 фоизини аёллар ва болалар ташкил этади. Айрим кишиларнинг ишонувчанлиги, етарли ҳуқуқий билимга эга эмаслиги бу жиноятнинг кескинлашувига сабаб бўлмоқда.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2008 йил 8 июлда **"Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори қабул қилингач, одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича Миллий тадбирлар режаси тасдиқланган. Шунингдек, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг тегишли фаолиятини мувофиқлаштириш учун Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси тузилиб, фаолияти йўлга қўйилган.

Ўзбекистон одам савдоси ва унинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида хорижий давлатлар билан бир нечта шартнома ва битим имзолаган. Мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини ҳамда БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги резолюцияси билан қабул қилинган мазкур конвенцияни тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ҳақидаги Протоколни ратификация қилгани ҳам бу жиноятчиликка қарши курашга алоҳида эътибор қаратганидан далолат беради.

Одам савдоси — инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати, осойишта турмуш тарзи ҳамда келажагига таҳдид солаётган трансмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан бири бўлиб, ўзининг чегара танламаслиги билан барчада бирдек катта ташвиш ҳамда хавотир уйғотмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ёшлар келажагига хавф туғдириш билан бир қаторда, улар орасида гиёҳвандлик, фоҳишабозлик каби иллатларнинг кўпайишига ҳам сабаб бўлиши табиий.

Аслида дунёдаги барча инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тенглиги 1948 йилда қабул қилинган БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида, шунингдек, бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳамда миллий қонунчиликда белгилаб қўйилган.

Маънавияти юксак, билимли ҳамда соғлом муҳитда камол топган ёшларимизни тўғри йўлдан оздириб бўлмайди. Юртимизда улар учун яратилган кенг имкониятлар, қулайлик ва шарт-шароитлар уларнинг янада баркамол вояга етишларига хизмат қилади, албатта. Айтиш жоизки, бугун одам савдоси билан шуғулланаётган кимсаларнинг ғаразли мақсадлари йўлига тўғаноқ бўлиш ҳам биз каби ёшлар олдидаги муҳим вазифалардан биридир.

Шоҳруҳхон ХОЛМАТОВ,
ТДЮИ талабаси

Эълонлар

Малака комиссиясининг 24.05.2013 йилдаги 4-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 30.05.2013 йилдаги №144-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "MAGISTER ALIBI" адвокатлик бюроси адвокати Мавлянов Алишер Нажотовичга бошқарма томонидан 22.12.2010 йилда берилган TN-001345 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва 29.03.2011 йилда берилган 1796-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

***

Малака комиссиясининг 24.05.2013 йилдаги 4-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 30.05.2013 йилдаги №144-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "LAWYERS HELP" адвокатлик бюроси адвокати Муйдинов Зульфитдин Зайнетдиновичга бошқарма томонидан 05.06.2009 йилда берилган TN-000510 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва 10.10.2011 йилда берилган 2014-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

***

Малака комиссиясининг 24.05.2013 йилдаги 4-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 30.05.2013 йилдаги №141-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "ML YUR-EKSPRESS" адвокатлик фирмаси адвокати Пўлатова Шахноза Тахировнага Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан 03.06.2009 йилда берилган TS-000215 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва 20.04.2010 йилда берилган 1480-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

***

Малака комиссиясининг 24.05.2013 йилдаги 4-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 30.05.2013 йилдаги №144-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "ABDULLIN VA HIMOYACHILAR" адвокатлик фирмаси адвокати Бабаев Батыр Нариманович бошқарма томонидан 29.05.2009 йилда берилган TN-000075 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва 19.11.2012 йилда берилган 2423-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми 2013 йил 25 майдан — 1 ой муддатга тўхтатилди.

***

Аризасига ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 30.05.2013 йилдаги №141-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "RES JUDIKATA" адвокатлик фирмасининг адвокати Аҳмедов Маъруфходжа Махмудовичга 30.06.2009 йилда берилган TN №001128 рақамли лицензиясининг амал қилиши ва 15.07.2009 йилда берилган 832-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

***

Аризасига ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 30.05.2013 йилдаги №142-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "ALTER-EGO" адвокатлик фирмасининг адвокати Нагай Владимир Моисеевичга Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан 21.06.2011 йилда берилган TS №000344 рақамли лицензиясининг амал қилиши ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 24.08.2011 йилда берилган 1972-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

***

Тошкент шаҳар "KAFOLAT-HIMOYA" адвокатлик фирмаси адвокати Бурханов Мирхаким Мирхаликовичга Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан 23.06.2009 йилда берилган TS №000280 сонли лицензиясининг амал қилиши Тошкент шаҳар адлия бошқамасининг 30.05.2013 йилдаги 140-ш/т-А-сонли буйруғига биноан суд ҳукми қонуний кучга киргунга қадар ёхуд реабилитация қилувчи асосларга биноан уни жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисидаги қарор қабул қилингунга қадар тўхтатилган.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги Малака комиссиясининг 2013 йил 11 июндаги 7-сонли қарори ҳамда вилоят адлия бошқармасининг 2013 йил 13 июндаги 92-ум-сонли буйруғига асосан Гулистон шаҳридаги "Одил ҳуқуқ" адвокатлик фирмаси бошқарувчи шериги Эшонқулов Бахтиёр Умаралиевича вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 25 майда берилган SI 000018 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми 2 ой муддатга тўхтатилди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги Малака комиссиясининг 2013 йил 11 июндаги 7-сонли қарори ҳамда вилоят адлия бошқармасининг 2013 йил 13 июндаги 92-ум-сонли буйруғига асосан Гулистон шаҳридаги "Эгида ҳуқуқ" адвокатлик фирмаси бошқарувчи шериги Хабибуллаев Иброҳим Иномовича вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 25 июнда берилган SI 000040 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми 2 ой муддатга тўхтатилди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги Малака комиссиясининг 2013 йил 11 июндаги 7-сонли қарори ҳамда вилоят адлия бошқармасининг 2013 йил 13 июндаги 92-ум-сонли буйруғига асосан Гулистон шаҳридаги "Универсал кўмак плюс" адвокатлик фирмаси бошқарувчи шериги Таджибаев Ғанишер Мирзамудовича вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 25 майда берилган SI 000004 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми 2 ой муддатга тўхтатилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2012 йил 25 октябрдаги ҳал қилув қарорига асосан Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги марказлашган "Элбек" номли карате-до спорт клуби, мазкур суднинг 2012 йил 4 декабрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Ўзбекистон регби федерациясининг, Ўзбекистон "Кураш" Миллий федерациясининг ҳамда "Мехржон-спорт" республика хайрия жамғармасининг Тошкент вилояти бўлимлари тугатилаётганлиги муносабати билан уларга вилоят адлия бошқармаси томонидан берилган рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳномалар ва уставлар, шунингдек, уларга тегишли юмалоқ муҳрлар ва бурчак штамплари БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Маълумот учун қуйидаги манзил бўйича вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилиниши мумкин: **Тошкент шаҳри, Ш.Руставели кўчаси, 93-уй. Тел: 253-62-85.**

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2013 йил 21 майдаги ҳал қилув қарорига асосан Ўзбекистон "Қўл жанги" федерацияси Тошкент вилояти бўлими ТУГАТИЛМОҚДА

Кредиторлар мазкур эълон чиққан кундан бошлаб икки ойлик муддатда ўз талаб ва эътирозлари билан қуйидаги манзил бўйича вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин: **Тошкент шаҳри, Ш.Руставели кўчаси, 93-уй. Тел: 253-62-85.**

Тошкент вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 6 июндаги 32-А-ум-сонли буйруғига асосан "TEMUR-ADOLAT-TAYANCH" адвокатлик фирмаси адвокати Хаитметов Қобилжон Жўрабоевича вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 3 июнда TS 000189-сонли адвокатлик мақомини олиш ҳуқуқи билан берилган лицензиянинг амал қилиши суднинг тегишли қарори қонуний кучга киргунига қадар тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Абдукамол Раҳмоновга онаси **БАХМАЛ ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш Маркази жамоаси Марказ профессори Музаффар Мамасиддиқовга падари бузруквори **МУСАЖОН ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Самарқанд вилояти адлия бошқармаси жамоаси Жомбой туманидаги 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси Гулнора Қурбоновага онаси **Эрка ая ШАРИПОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Наманган вилояти адлия бошқармаси жамоаси вилоят ФҲДЁ архивининг собиқ мудири **Робияхон ХОЛМИРЗАЕВА**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси Олмазор туманидаги 6-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Мухайё Каримовага фарзанди **Азизхон ОТАБОЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz
2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
ISSN 2010-7677
Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Қўчқор Тоғаев
Турсунов Тўлқин Мирзаевич
Очилов Алижон Мухлисович
Муҳаммаджонов Омонулла
Зокирович
Султонов Алимқул Тошбекович
Мамадалиев Зайниддин Очилович
Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Тўлқин РАУПОВ
Нашр индекси: 137
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳririяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Буюртма j-7385. Тиражи — 21238.
Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 19.00
МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50
Баҳоси келишилган нархда
1 2 3 4 5